

Бу дунё имтиҳонга тайёрланиш учун



13:30 / 31.10.2019 2032

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло биз инсонларга жуда кўп неъматларни берган. Шулардан энг гўзали севиш ҳиссидир. Севгининг ҳам ҳар хил кўриниши бор. Ҳақиқий асл ишқ илоҳий Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога бўлган чексиз севги ҳисобланади. Ҳар қандай муҳаббат бирор эҳтиёж ёки манфаатларга асосланган бўлади. Аллоҳга бўлган муҳаббатнинг якуни Жаннат ва ундаги мислсиз таърифи ақлимизни хайрон қолдирадиган тухфалар, кўрсатиладиган ҳурмат, туганмас ҳузур-ҳаловат ва энг олий мақом Аллоҳнинг жамолидир.

Яна шундай неъматларнинг аълоси Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга жам бўлиш бахтидир. Аллоҳ биз ожиз бандаларига турли хил синовларни юборганида, дард бериб синаганида, бошимизга мушкул иш тушганида унгагина суянамиз, ўзидангина ёрдам сўраймиз. Бу уч кунлик ҳаёт аталмиш синов диёри ҳар кимни синайди, лекин биз умидимизни сўндирмасликка ҳаракат қилиб, фақат шу синовлар ортидан енгиллик, машаққатлар ортидан роҳат келишини баъзан унутиб қўямиз. Бу дунё имтиҳонга тайёрланиш учун.

Инсонларни абитуриентларга қиёсласак, қайта топшириш имконимиз йўқлигини ҳисобга олсак, бажараётган амалимиз, оғзимиздан чиққан гапларимиз, куч қувватимиз Роббимиз розилигига аталганми деб ўзимизга

савол беришимиз керак. Ишққа мубтало одам қандай қилиб бўлсада ўз севгисини изҳор қилишга маҳбубининг висолига етиш умиди билан яшайди. Бу йўлдаги қийинчилик асло сезилмайди. Оламдаги ҳеч бир нарса Аллоҳ жамолини кўриш бахтидан устун бўлолмайди.

Назарингдан четда қолсам,
Юзим қаро бўлди нетай.
Сарбонидан айрилгандай,
Манзилимга қандай етай.

Агар нигоҳ ташламаса,
Бу не хижро, бу не хасрат.
Агар кўзин ёшламаса,
Бу не алам, бу не ғурбат.

Ошиқ аҳли дарди бирлан,
Шошди ақлим, ёнди жисмим.
Девоналар дарди бирлан,
Тилка пора юрак бағрим.

Нетайки, назаринг солмай,
Кунда мени адо қилдинг.
На кун, на тун бари бирдай,
Фарқлолмадим кўзим кўрдай.

Қалб кўзимга ўзинг нур бер,
Дил боғимга гўзал гул бер.
Юрагимга ҳузур завқин,
Ишқ сурурин умидин бер.

Ошиқлигим фақат сенга,
Насиб этгин муҳаббатга.
Аллоҳ қайтар куним мени,
Насиб этгин висолингга.

Саодат Аҳмад